

## **II International scientific and scientific-technical conference**

# PROBLEMS AND PROSPECTS OF INNOVATIVE TECHNIQUE AND TECHNOLOGY IN AGRI-FOOD CHAIN



# PROCEEDINGS OF THE CONFERENCE



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус  
тъзим вазирлиги



Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника  
университети



Ўзбекистон Республикаси  
Инновацион ривожланиш  
вазирлиги



**«ИННОВАЦИОН ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ – ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАРМОГИДАГИ  
МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ»  
мавзусидаги П-Халқаро илмий ва илмий-техник анжумани**

## **ИЛМИЙ ИШЛАР ТЎПЛАМИ**

### **1-ҚИСМ**

22-23 апрель  
Тошкент-2022

|   |     |
|---|-----|
| <b>Н.С.Дуняшин, Ж.К.Каршибаев.</b> Совершенствование технологии восстановления эксцентрика.....   | 70  |
| <b>О.О.Ибрагимов, А.А.Базаров, М.С.Омонова.</b> Ғұзани ҳосил тугунчаларини эрта түкилиши олдини олиш чоралари.....  | 72  |
| <b>Т.Умаров, М.З.Туронов, А.Ш.Рустамов.</b> Анализ схем резания и динамической устойчивости первых сверл.....   | 74  |
| <b>С.Т.Юнусходжаев, Р.Б.Абдумажидов, И.И.Ахматов.</b> Замонавий қишлоқ хұжалик машиналарига техник хизмат күрсатыши ташкил қилиш мұаммалари.....                                | 75  |
| <b>Ш.Н.Файзиматов, Б.А.Тожиев.</b> Рангли метал симларини құзиш жараённанда сифат күрсаттыларини таъминлаш усуулари.....  | 77  |
| <b>Д.М.Бердиев, А.Х.Маллаев.</b> Разработать компьютерной модели сплошных и полых круглых заготовок винтовой прокатки.....  | 79  |
| <b>А.А.Ахметов, А.К.Каримов, М.Ш.Норматов.</b> Силовой анализ работы механизма изменения базы трактора.....   | 80  |
| <b>A.Irgashev, D.R. Gafurov.</b> Types of wear and damage to gear teeth machine units.....  | 82  |
| <b>А.Тургунбаев, Ш.Б.Мадалиев, У.У.Худайкулов, Б.З.Сатторов.</b> Приборы для измерения качественных параметров различных материалов.....  | 84  |
| <b>О.Рахматов, А.А.Сирожиддинов.</b> Определение коэффициентов трения покоя и движения сущеного винограда.....  | 85  |
| <b>З.Д.Эрматов, М.М.Паязов, Да.Тожиддинова.</b> Программа и методика расчета режимов точечной контактной сварки.....  | 88  |
| <b>S.T.YUnusxo'jayev, B.Y.Rasulov.</b> Elektromobilarda qo'llanilayotgan akkumulyator batareyalar.....  | 89  |
| <b>З.Д.Эрматов, Я.М.Мамасолиев, Х.Д.Тошпұлатов.</b> К вопросу исследования влияния типа покрытия электродов на наплавленный металл.....   | 91  |
| <b>О.Рахматов, О.О.Рахматов, Ж.У.Халиков.</b> Проблемы процесса сушки сельскохозяйственных продуктов с высокой влажности.....   | 93  |
| <b>Н.С.Дуняшин, Л.В.Гальперин, Н.Т.Рахматуллаева, О.А.Хайруллахонов</b><br>Классификационная схема компонентов шихты керамических флюсов для автоматической дуговой сварки..... | 94  |
| <b>З.Д.Эрматов, Э.Ә.Заиркулов, Б.Д.Хошимов.</b> К вопросу исследования процесса высокочастотной сварки.....   | 96  |
| <b>Д.Р.Норчаев, Б.С.Хусаинов, Ж.Ж.Эгамов.</b> Ўзбекистонда картошка йиғиштиришнинг ҳозирги ҳолати ва истикболлари.....  | 97  |
| <b>A.Irgashev, N.A.Egamberdieva.</b> Wear resistance of tractor transmission parts under operating conditions.....  | 99  |
| <b>С.Т.Юнусхұјаев, Л.С.Туляганова.</b> Анализ взаимодействия с почвой рабочих органов почвообрабатывающих машин.....  | 101 |
| <b>A.S.Sadirdinov, M.R.Komilov.</b> Structural components and working principle of laser, disc and gear leveling harrows.....   | 103 |
| <b>К.Д.Астанақұлов, Н.А.Ашуров.</b> Лалми ерларда ғаллани йиғиштиришда комбайнлар учун сомон йиғиштириш мосламасини ишлаб чиқиши.....   | 106 |
| <b>А.Д.Абдазимов, М.М.Атаджанова.</b> Автомобилсозликда гибрид күч курилмалари. гибрид автомобилларининг устунлуклари ва мұаммалари.....  | 107 |
| <b>А.К.Усманкулов, А.А.Саломов.</b> Пахтани тозалаш усқунасини янги конструкцияси..   | 109 |
| <b>К.Д.Астанақұлов, А.Т.Умироп, Х.М.Эшанкулов.</b> Дүккәкли әқинлар учун ғалла комбайнине янчиш барабанининг айланишлар сонини назарий тадқик этиш.....                         | 111 |
| <b>Т.Дж.Азимов, Да.У.Собирова.</b> Основы развития науки начертательной геометрии....   | 113 |
| <b>Х.К.Ишмуратов, М.А.Алланазаров, Да.С.Омонов.</b> Далаларни әкишга тайёрлашда фаол ва пассив ишчи органлы универсал әкиш олди мосламасини яратиш.....                         | 116 |

## **ЛАЛМИ ЕРЛАРДА ҒАЛЛАНИ ЙИГИШТИРИШДА КОМБАЙНЛАР УЧУН СОМОН ЙИГИШТИРИШ МОСЛАМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

*т.ф.д., проф. К.Д.Астанакулов,  
таянч докторант. Н.А.Ашурев,*

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялани  
муҳандислари институти Миллий тадқиқот университети*

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида суғориладиган ерларнинг чегараланганигини хисобга олиб, келгусида лалми ерларни ўзлаштириш ва улардан олинадиган маҳсулот микдорини ошириш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган. Чунки Щзбекистонда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 млн гектар ерларнинг атиги 20,7 фоизи суғориладиган ерлар, колганини эса лалми ерлар ташкил этади [1].

Ҳозирда мамлакатимизда ғалла экин майдонлари суғориладиган ерларда 1 миллион гектарга яқинни, лалми ерларда эса 200 минг гектар атрофидани ташкил этади. Лалми ерларда етиштирилган ғалла ҳосилдорлигининг дон ва сомон ҳосилининг камлиги, ерларнинг нишаблигининг катталиги ва бошқа жиҳатлари билан суғориладиган ерлардан фарқ қиласди. Лалми ерларда ахоли дон етиштириш билан бирга чорвачилик билан ҳам шугулланиши сабабли ғалла сомони чорва моллари учун асосий дагал озука ҳисобланади. Шу сабабдан лалми шароитда етиштирилган ғалланинг дони билан бирга сомонини ҳам нест-нобуд килмасдан йигиштириб олиш ўта муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунё амалиётида сомонни ғарамлаб, узлуксиз ва ўюмлаб йигиштириш технологиялари ишлаб чиқилган [2]. Аммо уларнинг ичидаги сомонни узлуксиз – оким усулида йигиштириш лалми ерларга анча мос келади. Чунки бу усульда сомон ерга ташлаб кетилмасдан тўғридан-тўғри катта ҳажмли тиркамаларга йигиб кетилади. Бу сомонни ерга ташлаб кетиб кейин паншахли юклагичлар билан тиркамага ортиб йигиштирадиган ғарамлаб йигиштириш усули ёки ерга ташлаб кетилган сомонни пресс-подборщиклар, йигиб-тергичли КПИ-2,4 каби майдалаб йигиштиргичлар ёки КИР-1,5 косилкаси билан йигиштирадиган ўюмлаб йигиштириш усулига нисбатан сомонни жуда кам нобудгарчилик билан йигиштириш имконини беради. Бундан ташқари бир пайтнинг ўзида ҳам дон, ҳам сомон йигиштирилиши хисобига дала навбатдаги ишларга тез ва бирданига бўшайди.

Сомонни узлуксиз – оким усулида йигиштиришда ғалла комбайнинг унинг янчичидан ўтиб келаётган сомон ва майда қипикларни чиқиш қисмида кабул қилиб олиб, бирданига иргитиб кувур оркали комбайнга тиркалган ёки алоҳида ҳаракатланётган тиркамага юклаб кетадиган мослама ўрнатиш талаб этилади. Бу эса комбайн кувватининг маълум бир қисмини истеъмол қиласди ва шу сабабли комбайн кувватининг юкори бўлишини ҳам талаб этади.

Ҳозирда Ўзбекистонда Кейс-2366, Клаас Доминатор-130, Нью-Холланд ТС-5060 ва Вектор-410 комбайнларидан фойдаланилмоқда ва уларнинг ичидаги Кейс-2366 комбайнни 230 о.к.га эга бўлиб, юкори кувватлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари Кейс-2366 комбайнни роторли янчиш-ажратиш қурилмасига эга бўлиб, бу турдаги янчиш аппаратлари ғалла массасига интенсив ишлов бериши натижасида сомонни ҳам майдалаб юборади. Натижада Кейс-2366 ва бошқа роторли комбайнлардан кейин ўюмлаб кетилган сомонни зичлаб-бойлагичлар билан йигиштириб олишда сомон нобудгарчилиги юкори бўлади. Аммо бу сомон нобуд килинмасдан йигиштириб олинса, у ҳолда майдалangan ҳолатда бўлганлиги сабабли чорва молларига беришдан олдин кўшимча майдалашга зарурат қолмайди ва самараси юкори бўлади.

Шу сабабдан биз лалми ерларда ғалла ўрими пайтида бира тўла сомонни ҳам йигиштириб, тиркамаларга юклаб кетадиган мосламани Кейс комбайнларига ўрнатиш

максадга мувофик деб топдик ва ушбу комбайнлар учун мосламанинг схемасини ишлаб чиқдик (расмга қаранг).



Сомон йигиштириш мосламасиз  
Кейс комбайни



Сомон йигиштириш мосламали  
Кейс комбайни схемаси

Кейс ғалла комбайни ва унга ишлаб чиқилган  
сомон йигиштириш мосламаси

Сомон йигиштириш мосламаси парракли иргиткич ва унинг гилофи, юклаш қувури ва унинг учки кисмида жойлашган йўналтиргичдан иборат бўлади. Юклаш қувури шакли худди КИР-1,5 ўт ўргичларнинг юклаш қувури сингари юкорига томон торайиб боради, аммо икки ёни бир хил симметрик бўлади. Ҳозирда ушбу мосламанинг тажриба нусхасини ясаш ва макбул параметрларини асослаш бўйича тадқикотлар давом эттирилмокда.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5853-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида// Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. – Тошкент: 2019. – №11. – Б 1.

4. Астанакулов К.Д. Ўзбекистон шароитида кичик майдонлардаги ғаллани эрта муддатларда йигиштиришнинг илмий-техникавий ечимлари: техн.фанлари доктори. диссертацияси. – Янгийўл: КХМЭИ, 2016. – 200 б.



## АВТОМОБИЛСОЗЛИКДА ГИБРИД КУЧ ҚУРИЛМАЛАРИ. ГИБРИД АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ УСТУНЛИКЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

т.ф.д., проф. А.Д.Абдазимов,  
к.ўқит. М.М.Атаджанова,  
Тошкент давлат техника университети

Мамлакатимизда барқарор иктисодий тараккиётни таъминлаш, чекланган, такрор ишлаб чиқарилмайдиган иктисодий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини оширишда “яшил иктисодиёт”нинг ривожланиши етакчи ўрин эгаллади. 2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “яшил иктисодиёт”га ўтиш стратегиясида мамлакатимизни узок муддатли истиқболда жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторига киришининг устувор йўналиши сифатида чекланган, такрор ишлаб чиқарилмайдиган